Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

# ЯША, ЯШНА, МАНГУ ОЗОД ВАТАНИМ!

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1996 йил, 27 август

34 (63)- сон

# ИЛҲОМ СОАТЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БОРИШИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Президент бошқариб борган ва роппа-роса икки соату ўн беш дақиқа давом этган бу йиғинда мамлакат бошлиғи илҳом сўзини бир неча бор тилга олди. Ростдан ҳам, илҳомсиз байрам байрам эмас ва айниқса, миллий мустақиллик байрами ва айниқса, бугун унинг ёши бешни тўлдириб турганида!

Аҳли таъб ва фаросатли кишилар бу миллий мустақилликнинг беш йилини беш асрга қиёслайдилар ва тенглаштирадилар. Муболаға ичида жуда теран тарихий ҳақиқат ётмаганда, балки шундай қиёсга ҳожат сезмасдилар.

Яна билмадиму, лекин назаримда илҳом бу — тушунишнинг теранлиги, илҳом бу — ҳис қилишнинг теранлиги. Агар илҳом бор ҳодиса экан, у худди шу икки нарсанинг теранлигидан туғилади, атрофга ёйилади ва бошқа одамлар, шу ҳодисанинг иштирокчиларини ҳам қамраб олади. Ўз илҳомий кўтаринки эҳтиросли муҳитига тортади.

Илҳомдан илҳомлар уйғонади.

Бу ерда дарҳол ишчан муҳит яралди. Ва сўз мустақиллик байрамимизнинг мазмуни, моҳияти, аҳамияти устида борди.

У миллий байрамни унинг бутун қиммат-моҳияти баробарида шунчалар теран ҳис қилардики, бунинг аҳамиятини ҳаммадан ортиқроқ тушунардики, шу англаш ва шу ҳис қилишнинг ўзидан катта тарихий ҳодисанинг пўртанали илҳоми уйғонарди. Вазмин маъноли сўзлар ўз таъсир доирасига тортарди.

Ҳамма ҳам шундай тушунса эди!

Ҳамма ҳам шундай ҳис қилса эди!

Балки ҳамма ҳам бу борада истиқлол арбобига тенглаша олмас. Лекин албатта унга эргаша олади! Ва эргашиб унинг орзуларини, албатта, рўёбга чиқара олади! Эртага байрам ва биз бунинг шундай бўлишини қанчалар истаймиз. Эргашиб истиқлолнинг улуғ вазифалари бажарилиши, чексиз имкониятлари рўёбга чиқишини истаймиз. Худо шоҳид!

БИЗ НИМА УЧУН БАЙРАМ ҚИЛАМИЗ? — деб ўртага савол ташлади Президент ва унга шундай жавоб берди:

— Байрам босиб ўтаётган йўлларимизнинг якуни: бир йиллик якуни, беш йиллик якуни. Минг йиллаб йўл босиб биз бу миллий байрамимизга етиб келганмиз. Байрам — тараққиётимизнинг поғонаси. Босқичлардан босқичларга осон бўлмаган йўллардан ўтиб бораётганлигимизнинг кўрсаткичи. Миллий байрам бизнинг туб байрам ва у ҳаётимиз, интилишларимизнинг ўзидан ўсиб чиққан. Шунинг учун у бизга ғоятда қадрли ва қимматли. Шунинг учун бу миллий мустақиллик байрами халқимизнинг руҳини кўтаради, кучига куч қўшади, ғайратига ғайрат. Мустақиллик байрамининг асосий маъноси шунда.

Президент ҳар бир нарсанинг мазмундорлигига алоҳида эътибор беради. Мазмундорликни бош ўринга қўяди. Мустақилликнинг барча ҳодисаларга чўнг, залворли мазмун юкланишини истайди.

— Яхши билиб олайлик: байрам — қуруқ байрам, тантана, қуруқ ўйин-кулги эмас. Албатта, байрамнинг ўз ўйин-кулгиси ҳам бўлади. Лекин мустақиллик байрами фақат ўйин-кулги учун эмас. Биз бу байрам кунлари ва унинг теран муносабати билан олиб бораётган ишларимизнинг маъно-мазмунини чуқурроқ англаб етамиз, қаерга боряпмиз, нима учун боряпмиз? — марраларимизни яхшироқ, равшанроқ тасаввур этамиз. Яна янги марраларимизни белгилаб оламиз.

— Мен байрамни яна шундай тушунаман, — деб давом этади Президент. — Байрам қилаётган халқ меҳнатларининг якунида ўз бойликлари, куч-қудратини ҳам табиийки, намойиш этади. Ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатади. Миллий байрамда ўзбекнинг ўзбеклиги намоён бўлади. Ўзбек ўзбеклигини англайди. Ўзи танлаган ва оғишмай бораётган йўлнинг тўғрилигига амин бўлади, бунга ишончи ортади. Ҳа, бизнинг йўлимиз ўзини тўла оқлаган, тўғри йўл. У тарих синовидан ўтди.

Бу тўлқинли сўзлар муҳитида мутаассир бўлиб ўтирарканман, хаёлимдан ўз-ўзидан: МУРОД ЙЎЛИ деган сўзлар ўтди.

Рост, рост! Бизнинг йўлимиз бу — ҳақиқий мурод йўли. Муродбахш йўл. Муродларга бирма-бир эришилаётган қутлуғ йўл. Бу тарихий улуғ йўлнинг бошида муроди улуғ одам турганлиги мамлакат учун қанчалар бахт!

— Байрам бир кунлик нарса эмас, — деб давом этади Президент. — Унинг таъсири йил бўйи ўчмайди, давом этади. У бизни ҳаммамизни бунёдкорлик ишларига чорлайди, илҳомлантиради. Тўй уч кунда ўтади. Лекин у ҳар бир инсон тақдирида бир умр давом этади. Ижодкорлар ижод учун, одамлар янги кун учун куч-қувват оладилар бу байрамдан. Ҳар бир одам шу байрамда ўзини иштирокчи деб сезсин ва ундан юраги ўт олсин.

Ҳар бир санъаткорнинг чиқиши ва умуман дастурнинг барча нуқталари кўнгилларни орзиқтирсин.

Қайси даврда, қайси заминда яшаётганимиз шу байрамда акс этиб туради. У четдан биров келтирган байрам эмас, у ўз байрамимиз. Шунинг учун унда бутун халқимиз иштирок этади. Пойтахтимизга барча вилоятлардан байрамга ака-ука, опа-сингилларимиз етиб келадилар. Улар байрамга ўз ғурур-ифтихорлари, ўз санъаткорона улушларини қўшадилар. Биз шунда ўзимизни тикланаётган, ўзини тўла англаётган, улуғ бир мақсад йўлида бир ёқадан бош чиқараётган халқ эканлигимизни чуқурроқ англаймиз. Бунда қадим санъатимиз ва маданиятимиз ҳозирги санъат ва маданиятимиз билан чамбарчас боғланиб қўшилиб бир бутун ҳодиса бўлиб кетади. Бундан руҳланмай, куч олмай бўладими!

# БАЙРАМ МУБОРАК!

Президент байрам дастури билан танишар экан, унинг ҳар бир тафсилотига, ҳар бир нуқтасига алоҳида эътибор беради. Ўртага муҳокамага ташлайди. Давлат арбобларидан тортиб ТВ масъул ходимларигача барчани фаол фикрлашга даъват этади. Ҳеч нарсани эътиборсиз қолдирмайди. Ўзбекистон — умумий уйимиз. Турон бирлиги, тинчлик таянчлари, спорт шукуҳи, миллий ғурур сингари ғоялар дастурнинг мағзини ташкил этишини истайди. Фикрлардан фикрлар унади.

Ўзбекистон ва ўзбек халқи жаҳон майдонига чиқиб бормоқда. Президент мана шу жонли тарихий жараёнда халқнинг бағрикенглигига алоҳида урғу беради. Бунда алоҳида теран маъно кўради. Мустақилликни ягона куч, ягона тўлқин бўлиб қуряпмиз. Шунинг учун бизнинг миллий мустақиллигимизнинг байрами Ўзбекистонда яшаётган барча элу элатларнинг юрагига етиб бормоғи ва унда теран акс садо топмоғи лозим.

Президент:

— Йўл топайлик! — дейди. — Бошқа халқларнинг юрагига йўл топайлик. Шунда улар ҳаммамиз тенглигимизни тан оладилар ва бунга ишонч ҳосил қиладилар.

Шу маънода бизнинг бағрикенглигимиз куч-қудратимизнинг белгиси ва нишонаси. Оғирчиликлар, камчиликларга чидаб, бардош бериб, халқ ўз мустақил давлатини қурмоқда. Мустақиллик бизнинг белимизни бақувват қилди. Илғор миллатлар билан тенг мавқе топдик. Тенглигимизнинг барча тарихий, маданий, маънавий асослари мавжуд. Буларни кўрмаслик ва йўлимизни шубҳа остига қўйиш, иккиланиб юришларни мен шахсан ўзим ҳиёнат билан баробар деб биламан. Шунинг учун қатъият, қатъият яна бир карра қатъият бизга ёр бўлсин.

Президент уч нарсага алоҳида эътибор қаратади: биринчиси, кучли бўлиш; иккинчиси, аҳил ва иноқ бўлиш; учинчиси, бағрикенглик. Президент шу уч маънавий-миллий ҳодиса заминида ётган мазмунни теран ва ҳар томонлама кенг изоҳлайди. Ва буларни акс эттириш, ифодалашнинг энг таъсирчан йўлларини ва бадиий усулларини топишни қатъият билан уқтиради.

— Топинг! — дейди Президент.

Биз буни таъсирли йўл топиш, тимсол, рамз топиш деб англаймиз.

Излаш, ахтариш ва топиш мустақил мамлакатда қанчалар мароқли нарса!

Излаш, ахтариш, топиш руҳи билан яшаётган илҳомбахш юртдошларим, шукуҳли миллий байрамингиз сизга муборак бўлсин!

МУҲАРРИР

# МУВАФФАҚИЯТ ЁР БЎЛСИН

29 август куни Ўзбекистон Олий Мажлисининг олтинчи сессияси иш бошлайди. Олий Мажлис ва депутатлар бу навбатдаги анжуманга катта ижодий тайёргарлик билан келмоқдалар. Давлат, жамият, халқ тақдирида муҳим аҳамиятга молик бир қанча қонунлар лойиҳалари яратилди ва сессиянинг муҳокамасига тақдим этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси иккинчи қисми (иккинчи ўқишда), Сиёсий партиялар тўғрисида Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида, Ноширлик фаолияти тўғрисида, Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида, Адвокатура, Нотариат, Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида, Уруғчилик тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг консуллик устави, Хориждан маблағни жалб қилиш тўғрисида, Селексия тўғрисида сингари қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Олий Мажлис сессияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси имзолаган Шартномалар ва Битимларни ратификатсия қилиш ҳамда халқаро Конвенсияларга қўшилиш тўғрисидаги масалаларга доир материалларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди. Сессия кун тартибида яна бир қатор масалаларни муҳокама этиш режалаштирилган.

Мамлакат миқёсида улкан аҳамият касб этувчи бу каби барча ишларни юксак малака ва иқтидор билан адо этишда Олий Мажлис анжумани ва депутатларга катта муваффақиятлар тилаймиз.



— Юр байрамга, дугона!

# ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигининг беш йиллигини нишонламоқда. Мустақил ҳаётнинг самараларидан бири республикамизда кўп партиялиликнинг вужудга келганидир. Шу маънода Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳам Ўзбекистон истиқлолининг фарзандидир.

Бу партиянинг бош мақсади Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашга ўз улушини киритмоқ; Мустақил Ўзбекистоннинг ёркин истиқболини қуриш ишига муносиб ҳисса қўшмоқ; Ана шу олижаноб мақсадлар ижроси учун халқимизнинг бутун ижодий кучларини сафарбар этмоқдан иборат.

Бу йўлда Миллий тикланиш демократик партияси халқимизнинг узоқ асрлар давомида яратган маънавий бойликлари, илғор анъаналари, ўлмас қадриятларини тиклаш ва уларни кундалик яратиш жараёнида фаол истифода этмоқни кўзда тутади.

Миллий қадриятларимизда бош ўрин тутган омил бу ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик ғояларининг илҳомли ва таъсирчан ташвиқидир.

Инсон учун энг азиз, энг муқаддас, ҳеч нарса билан алмашиб бўлмайдиган, инсон бахти-саодатининг бош сабаби бу — севикли Ватандир. Ўз Ватанига муҳаббат қўйган, унинг гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқни ўз виждоний бурчи деб билган, Ватанга садоқат, меҳр билан яшовчи ҳар бир киши ўз ҳаётига чуқур ва гўзал мазмун бағишлаган бўлади.

**Кўзимга хур ватаним гарди тўтиё кўринур**
**Анинг муҳаббати ҳар бир кўнгилга**
**жо кўринур.**
**(Чархий)**

Бутун борлиқдаги энг олий вужуд инсондир. Инсоннинг камолоти ҳайратомуз бир кўриниш. Инсоннинг улуғлиги ва камолоти коинот ва табиатнинг улуғлиги ва камолотига монанддир.

**Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот**
**Нодиру олий асоси коинот**
**Барчадин ашрафки, ул инсон эрур**
**Ким камолидин хирад ҳайрон эрур**
**(Навоий)**

Бас шундай экан, инсон ўзининг ана шу олий мақомига муносиб бўлмоғи керак. У ўзида шундай юксак даражага хос бўлган фазилатларни касб этмоғи лозим. Бундай фазилатларнинг саноғида ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик туйғулари алоҳида ўрин эгаллайди. Биз баркамол инсонни шакллартирмоқ йўлидан борамиз. Комил инсон эса Ватанини, ўз халқини, инсонни улуғловчи, уларга нафъ етказувни ўзига чин мақсад қилиб олган кишидир. Инсоннинг қадри қийматини баланд тутмоқлик кишиларда қардошлик, биродарлик, байналмилаллик туйғуларини тарбиялайди. Улар эса жамият равнақига йўл очади.

**Олам аҳли билингизким, иш эмас**
**душманлиқ**
**Ёр ўлинг бир-бирингизга ки, эрур ёрлиғ иш!**
**(Навоий)**

Улуғ устоз Навоийнинг бу сўзлари Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрининг марказида қад кўтарган Навоий ҳайкали ўрнашган мўътабар даргоҳ тоқларига битилган.

Ўзбекистоннинг беш йиллик мустақил ҳаёти давомида Навоийнинг бу доҳиёна ўгити ҳаммамизга йўл кўрсатувчи улуғ тимсол бўлди. Ўзбекистон Президенти, муҳтарам юртбошимиз И. А. Каримов Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларни бир оилага, бир биродарона қардошлик жамоасига уюштириш йўлида жуда қатъий ва самарали саъй-ҳаракатлар кўрсатдилар. Ўзбекистондаги тинч ва осойишта турмуш осонликча қўлга киритилган эмас. Бу осойишталик ва хотиржам ҳаёт Президент И. А. Каримов тутган йўл, ўтказган сиёсатнинг натижасидир. Ўтган беш йил давомида иқтисод, маданият, ижтимоий тараққиётдаги ютуқлар эса фақат тинчлик, тотувлик, ўзаро мувофиқат ва бирдамлик шароитида қўлга киритилгани ҳаммага аён.

Миллий тикланиш демократик партияси ана шу тинч ва осойишта ҳаётни, унинг боиси бўлмиш халқларимиз ўртасидаги қардошлик ва биродарликни янада мустаҳкамлаш сиёсатини ўтказувда изчил боради.

Давоми иккинчи бетда

*Мустақиллик ёшу қарига ғайрат, илҳом ва нашъу намо бағишламоқда. Малик Элмуродов Каттақўрғонда яшайди. Ёшлари саксондан ошган. Умр бўйи ёшларга таълим-тарбия бериш билан машғул бўлган. Бўш вақтларида шеър, ғазаллар машқ қилиб кўнгил ёзган. Каттақўрғондаги болалар уйининг сардори сифатида кўп етим болаларнинг бошини силаб, ҳаётда ўз ўрнини топишга раҳнамолик қилган саховатли инсон газетамизга мустақилликка бағишланган дил сўзларини шеърга солиб тақдим қилдилар.*

# ШУКРОНА

Қон оққан йиллардаги, ёлғонлар эсдан чиқмас,
Жанжалга сабаб бўлган бўҳтонлар эсдан чиқмас,
Ер юзида ҳали кўп ёлғон айтган одамлар,
Дастурхонга тупирган нодонлар эсдан чиқмас.

Баракани учирар оти ўчсин ёлғоннинг,
Ҳамсояни кўчирар, оти ўчсин ёлғоннинг.
Тўғри юриб кун кўрмоқ, тўғри гапирмоқ керак,
Кўнгилни хуфтон этар, оти ўчсин ёлғоннинг.

Ҳақиқатга суяниб, умр кўриш яхшидир,
Узоқдаги дўстларни бориб кўриш яхшидир.
Гуноҳдан қўрқиш керак, туғилганга ўлим бор,
Оз-оз еб, кам ухламоқ, бардам юриш яхшидир.

Бир-бирини алдамас ҳаёси бор одамлар,
Инсофи бор, кўнгли тўқ, зебоси бор одамлар.
Яхшидан ибрат олган, бировни алдамайди,
Оламни ёритган ҳам зиёси бор одамлар.

Руҳий покланиш борар, дил ҳам пок бўлса маъқул,
Ҳаромдан узоқларнинг тили пок бўлса маъқул,
Феъли кенг одамларнинг, фикрида ғубор бўлмас,
Умидвор бандаларнинг, руҳи пок бўлса маъқул.

Тавбани кечи бўлмас, юракдан бўлса фақат,
Ёлғонсиз яшаш мумкин, қаноат бўлса фақат.
Яратган дилда бўлса, ёдда бўлса охират,
Ҳузур-ҳаловат бўлур, қўл ишда бўлса фақат.

Арвоҳларни шод этсак, аллоҳ қўллагай бизни,
Муҳтожларни шод этсак, аллоҳ қўллагай бизни.
Ҳаракатда савоб кўп, кўп билан ҳамдам бўлиб,
Юртим деб меҳнат қилсак, аллоҳ қўллагай бизни.

Насиб этди бизларга, мустақилликни кўрмоқ,
Боболарни минг йиллик, мулкига эга бўлмоқ,
Билакларни шимариб, белни боғлаймиз маҳкам,
Муроду мақсадимиз буюк давлатни қурмоқ.

Минг шукурки, ишончли дўсту қардошимиз бор,
Бахтимизга шу ватан ва ўйчан бошимиз бор,
Авлодларга ҳур, обод, Ватан қолсин деб турган,
Истиқболга ундовчи улуғ йўлбошимиз бор.

**Малик ЭЛМУРОДОВ,**
**меҳнат фахрийси**

## «МТ»: воқеалар, хабарлар

### ОҚИННИНГ ТЎЙИ

*Қадимда ҳам, ҳозир ҳам, халқлар, миллатларнинг бир-бирига яқинлашувида шоирлар, ёзувчилар, олимлар, қўйингки, зиёлилар кўприк вазифасини бажарган. Жамбул Жабаев ҳам шундай кўприклардан бири эди. Унинг ўланлари қозоққа қанча қадрли бўлса, ўзбекка шунча яқин. Шунинг учун ҳам улкан оқиннинг 150 йиллик тўйи ўзбеклар учун ҳам катта байрам саналади. Олматида шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда Республикамиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегатсия қатнашди ва юртбошимиз нутқ сўзлади.*

*Олматида, шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Давлатлараро кенгашининг йиғилиши ҳам бўлди. Кенгаш қатнашчиси бўлган давлатлар бошлиқлари — И. Каримов, А. Акаев, Н. Назарбоев Марказий Осиё минтақасида интегратсия жараёнларини янада чуқурлаштириш, мазкур мамлакатлар ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий маконни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Россия ва Тожикистонни Давлатлараро кенгашга кузатувчи сифатида қабул қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.*

*Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.*

### ЭНДИ ИШГА КЕЧИКМАЙСИЗ

**Эрталаб ишга шошяпсиз. Бекатда одам кўп. Аксига олиб автобус ёки трамвай келавермайди. Шу пайт узоқдан автобус кўринади, ҳамма унинг йўлига пешвоз чиқади. Аммо у тўхтамайди. Чунки тирбанд. Тўхтаганда ҳам ҳеч ким чиқолмайди. Шунда беихтиёр «автобусга бир чиқиб тушиш олти сўм бўлди-ю, лекин хизмат кўрсатиш яхшиланмади-да, барибир», деворишингиз табиий. Аммо унчалик қизишманг. Пойтахтимизда транспорт қатнови сиз ўйлаганчалик ёмон аҳволда эмас. Бекатларда илгаригидек ярим, бир соатлаб кутиб қолишларга барҳам берилган. Лекин транспортчиларимиз ўз имкониятлари даражасида ишламаётгани ҳақиқат. Айниқса, автобус, трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларининг муомила маданияти пастлиги кишини ранжитади. Улар йўловчилар билан қўпол муомила қилишга кўникиб қолишгани яна ҳам ачинарли. Бундан ташқари сўнгги йилларда турли эҳтиёт қисмлар, ёнилғимой маҳсулотлари нархларининг кескин ошиб кетиши «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасини моддий жиҳатдан бироз қийнаб қўйди. Шунинг учун ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга биноан яқин йилларда Тошкентга яна кўплаб «Мерседес-бенс» автобуслари, янги трамвай ва троллейбуслар келтирилади. Бу харажатлар учун бюджетдан салкам 1 миллиард сўм пул ажратилди. Шунингдек, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасини давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш чораларини кўриш тўғрисида ҳам тадбирлар белгиланди. Хуллас, «Тошшаҳарйўловчитранс» яқин кунларда ишга кечикмасдан етиб келишимизга кафолат беради.**

# ҲАММАНИНГ ЎЗ ҚЎШИҒИ БОР

Қўшиқни дил малҳами дейишади. Инсон шод кунида ҳам, ғамга ботганида ҳам қўшиқ куйлайди, қўшиққа суянади. Ҳамманинг ўз қўшиғи бор. Айниқса, бизнинг халқимиз қўшиқсевар халқ. Шунинг учун туманларнинг ҳам, хўжаликларнинг ҳам, мактабларнинг ҳам, ҳатто болалар боғчаларининг ҳам ўз ансамбллари бор. Аммо яхши қўшиқларимиз-чи?

Ватанни, истиқлолни куйловчи, ҳаммамиз биладиган, бирга куйлайдиган қўшиқларимиз борми? Бор. Улар яратилаяпти. Истиқлолга эришганимизга эндигина беш йил бўлди. Аммо шу қисқа фурсат ичида бу мавзуда юзлаб қўшиқлар дунёга келди.Эндиги вазифа бу қўшиқларнинг энг сараларини танлаш, оммалаштиришдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўтган йилнинг 5 декбрида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шундан сўнг республика, вилоятлар ва туманларда ташкилий қўмиталар ҳамда кўрик-танлов ҳайъатлари қизғин иш олиб боришди. Тўққиз ой давомида 54 мингдан ортиқ ҳаваскорлар ва профессонал санъаткорлар саҳнага чиқдилар. Улар томонидан 10 мингдан зиёд қўшиқлар ижро этилди. Шуларнинг энг яхшилари якунловчи босқичга танлаб олинди. Шунингдек, 1991—1995 йилларда яратилган истиқлол, ватан ҳақидаги энг яхши қўшиқлардан 33 таси ҳайъат томонидан якунловчи босқичда ижро этиш учун тақдим этилди.

Кўрик танловнинг якуний қисми 24, 25 ва 26 август кунлари Туркистон саройида бўлиб ўтди. Ғолиблар пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Б. УММАТОВ**

# ИСТИҚЛОЛ СИЗГА МАНГУ ЁР БЎЛСИН!

«САОДАТ» ЖУРНАЛИ — МЕҲМОНИМИЗ

# БАЙРАМ МУБОРАК!

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ЖУРНАЛИНИНГ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СОНИ ЧИҚДИ





***Президент Ислом Каримовнинг улкан саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда озодлик кишиси шаклланмоқда. Ростдан ҳам, озодлик кишиси шу улуғ заминда изланиши, меҳнат билан ўзини кунба-кун, соатма-соат қайта яратмоқда. Ўзбек аёли ҳаёти, тақдири, шахсида бу жараён қандай кечаётир? «Саодат»нинг янги байрам сони ҳам шу муҳим саволга жавоб беришга интилади. Журналдаги ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг адолатли сиёсати ҳамда Бибихоним ҳақидаги ҳақиқат, хаёл аралаш мақолалардан тортиб шеър, ҳикоялар, рўзғорда асқотадиган ихчам маслаҳатларгача катта мақсадга — ўзликни ахтариш, топишга хизмат қилади.***

## Мавлон РАҲМОНОВ: БУХОРОИ ШАРИФ ҲАҚИДА СЎЗ

Бухорои шариф 2500 йиллик таваллуд тўйига қандай ҳозирланмоқда? Мухбиримиз саволига Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Мавлон Раҳимович РАҲМОНОВ шундай жавоб берадилар:

Аслида она деб меҳр қўйганимиз, ота деб паноҳ тиланганимиз, суянганимиз, сиғинганимиз Ватанимизнинг ҳар бир қаричи биз учун жон қадар азиз. Гиё битмас қақроқ чўлми, дарёлари шовуллаб ётган водийми ё миноралари қуёш билан сўз сўзлашган шаҳарларми — барибир ҳаммасининг исми Ватан — минг бир меҳр томирларида тўппа-тўғри юракка туташади.

Аммо Бухорои шариф... Дунё харитасида шариф сифатида тан олинган шаҳарлар бармоқ билан санарли — Қуддуси шариф, Шоми шариф, Бағдоди шариф... ҳатто, Тангри тарафидан инсониятга йўлланган ҳаёт дастур ила аъмолларининг ҳаммаси ҳам шариф аталмайди. Ёлғиз Қуръони шарифга лойиқ бўлган бу муборак сифат. Бухоронинг илми ва амалини билган аҳли фозил унга ҳам шариф номини берганлар ва адашмаганлар.

Ҳа, Бухорони ёлғиз бизнинг аждодларимиз эмас, ҳамма замонларда ҳамма билган. Шунинг учун кимдир илм ташналигида, кимдир ҳунар иштиёқида, кимдир зар илинжида Бухорога интилган. Кўпларга орзу бу шаҳарнинг 12 та дарвозаси бўлган. Қадим туркийларга хос кенг қалб, иссиқ меҳр билан меҳмонларни қаршилаган. Бағридан етти иқлимга илми дониш, фазлу камол, касбу ҳунар, зару зевар берган.

Мукаммалликнинг, яхшилик, гўзалликнинг қисмати доим машаққатли бўлади. Бухоро ҳам бундан мустасно эмас. Содиқ фарзандлари уни сайқаллади, унинг саҳадларига қалбини тикди.

Бухоро асримизнинг бошида қонга ғарқ қилинди. Муаззам минорлари тўпга тутилди, масжиду мадрасалар омборхоналарга айлантирилди, саждагоҳларимиз топталди... Аммо ҳақиқат шу эканки, мукаммалликни кемтиш мумкину, йўқ қилмоқ осон эмас экан. У минг илдизли дарахтдай бир жойини кесса, яна бўлак жойдан кўклаб, кўкариб келаверар экан. Она Ватан мустақиллиги Бухоромизга ана шундай кўкариш, кўклаш бахтини, қайта бунёд бўлиш саодатини берди.

ЮНЕСКОнинг 1995 йил кузида Парижда ўтган XXVIII сессиясида Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё кўламида кенг нишонлаш ҳақида расмий қарор қабул қилинди. Бу қарор бизнинг ич-ичимизда йиллаб йиғилган истакларимизни юзага чиқаришга имкон берди. Президентимиз, ҳукуматимиз бошчилигида Бухорои шарифнинг қадим довруғи, қадим суврати, шуҳратини, сийратини тиклашга астойдил бел боғлаганмиз. Қадим марказимиз эски Шаҳристонда жойлашган ноёб тарихий обидаларнинг қайта таъмирлаш ишларининг аниқ дастур-амали қўлимизда — ободонлаштириш, сайқаллаш 2000 йилгача давом этади. Яна биз Бухоромизда 2500 йиллик байрам шодиёналарига атаб халқаро илмий конференсия ўтказиш тадоригини кўряпмиз. Бухоро тарихига оид тарихий асарларни чоп этиш, видео ва телефилмлар яратиш — умумий тараддудимизнинг асосий қисми.

Тарихлардан маълумки, Бухоро шаҳрининг номи суғдча «буғ» (буғ — Тангри) «оро» (сайқал) сўзлари бирикмаси ҳосиласидир. Демак, шаҳримизнинг номида Тангри азалдан уни ярлақаганига, унга оро, сайқал берганига ишорадир. Шунинг учун уни Исломдан олдин зебу зийнат шаҳри, Ислом даврида эса Фоҳира деб аташган. Бухоро қадим Шаҳристонда 40 гектарча ерни эгаллаган. Шаҳристон бир-бирини кесиб ўтувчи 2 та шоҳ кўча ва тўрт қисмга бўлинган. Кўчалар Бухорони дунёнинг тўрт тарафига қараган дарвозалар билан туташтирган.

Хайрия ишлари билан мусулмон дунёсига машҳур бўлган Оғахон 1977 йилда энг яхши шаҳарсозлик архитектураси, қадимги ёдгорликларни асраб қолиш бўйича ўзининг махсус жамғармаси мукофотини таъсис этди. Бу мукофотга жаҳоннинг 12 та улкан шаҳарлари ўз кўрки, ўзига хосликларига ишониб талабгор бўлдилар. Оғахон соврини Индонезияда дунёнинг 120 ортиқ давлатлари вакиллари иштирокида Бухорога топширилди. Бу тасодиф эмас. Бу бизнинг ихлосимиз, интилишимиз бўйининг кўрина бошлаганидан битта хуш даракдир. Бу бизнинг ободонлаштириш, таъмирлаш дастуриламалимизнинг илк варақларидир. Бугун Арк майдони, 1—11-111 савдо жойлари, Улуғбек мадрасаси, Пойи Калон, Лаби Ҳовуз, Масжиди Калон, Қўшмадраса каби машҳур ёдгорликларимиз таъмири охирламоқда. Юбилей кунига қадар 12 та янги иншоот қуриш режамизда. Амир Темур, Файзулла Хўжаев, Фитрат номидаги хиёбонларни барпо этиш, «Спартак» ўйингоҳи, «Фоҳира» меҳмонхонасини бунёд этиш ишлари бошланган.

Шоҳруҳ каналида дренажлар қуриш, Сомонийлар истироҳат боғи ён-атрофини сайқаллаш, Чор Минор ансамбли атрофи ер ости сувлари сатҳини пасайтириш ҳам навбатдаги амалларимиз сирасида. Шаҳарда троллейбус қатнови — Бухоро-моҳи Хоса — учинчи навбатини ҳам ишга туширишга ҳозирлик бор. Варахша шаҳри яқинидаги Қизбиби тарихий ёдгорликлари Бухоро тарихининг қизиқиб ўқиладиган саҳифасидир. Унга кўп ривояту ҳақиқатлар кўмилган. Шунинг учун бўлса керак, «Қизбиби» бугун ҳам аёллар зиёратгоҳи. Бу зиёратгоҳда ҳам айни кунда таъмирлаш ишлари қизғин. Бу саводли ишлар эл-элатнинг мададисиз бўлмайди, албатта. Сарф-харажатларимиз учун махсус ҳисоб рақами очганмиз. Вилоятимиздаги корхоналар, ташкилотлар, қалбида «мен Бухороданман» деган жонбахш туйғуси бор ҳар киши бу хайрли ишга ўз улушини қўшмоқда.

«Ҳеч ким туғилганда миллат ва Ватан танламайди. Аммо киндик қони тўкилган еримиз меҳру муҳаббатимиз илк нафас билан жисму-жонимизга киради. Биз умр бўйи шу меҳр билан яшаймиз, шу муҳаббатни улуғлаб, фарзандларимизга мерос қилиб қолдирамиз». Президентимизнинг бу сўзлари том маънода ҳақиқатдир. Таваллуд кунимиз баҳонасида бизнинг қилаётган ишларимиз аслида она Бухоро бунёдкорлари, унинг шону шуҳратини етти иқлимга ёйган улкан қалбли ота-боболаримиз руҳини шод этиш, улар олдидаги фарзандлик бурчимизни ўташдир. Ва яна болаларимизга ўзимиздан арзигулик мерос қолдиришдир. Ҳар таваллуд байрамида фарзандларимиз Туркистон Бухороси ва ўз Бухороларини кашф этсинлар. Замонда ва юракда кашфиётлар алангаси сўнмасин. Бизнинг чин истагимиз — шу.

*Давр, қалб, қиёфа*

## СИЁСАТХОННИНГ СИЁСАТИ

Тушларинг чала қолади, ёстиқдан бош кўтарасан. Қисқа ором ҳорғинлигингни буткул енга олмаганлигини дарров сезасан. Пича мизғи, жонингни жабборга берганинг билан дунёнинг битмаси битиб, етмаси етиб кетадими, деб ширин шивирлайди бир хаёлинг, жонинг илигандек бўласан. Аммо яна бир хаёлингда гўдакнинг бўйидек келадиган ғўза қаторлари сувратланади. Саҳар юлдузлари кўз ёшларида чўмилиб, жунжиккан ғўзалар. Сен энди вужудингга ўша салқинликни туясан, увишасан, гўё сенсиз ўтган тунда ғўзаларингга бир нарса бўлгандек жонингга хавотир оралайди ва шу хавотир билан йўлга тушасан.

Пахтакорнинг ҳар кунги тонги ҳақидаги тасаввуримга Сиёсатхон опа эътироз билдирмади.

— Ростдан ҳам, ер жонли жисм. Меҳрингни ҳам, бепарволигингни ҳам сезади. Меҳнатингни аямасанг, ганжини очади. Ўзингни у ёқ бу ёққа ташласанг, қаттиқлиги тутади.

Сиёсатхон опа далада ўтган 19 йили, бу йилларнинг инжиқ баҳорлари, оловли ёзлари, серзаҳмат кузлари ҳақида ҳикоя қилади. Кўзлари чарақлаб, юзлари ловуллаб гапиради. Худди ишонган дўсти суянган опаси ёки синглиси ҳақида гапиргандек. Сўзларидаги ҳаяжон менга ҳам юқади. Демак, Чингиз оғамизнинг Тўлғаной қаҳрамонининг ер билан ҳасратлашгани, сирлашгани хаёл эмас, ҳақиқат экан-да. Демак, одамлар ерни ҳам ўзи хоҳлаб тақдир қилар экан-да.

— Акам нону насибанг шунда, шекилли деб қишлоқ хўжалиги институти остонасига етаклаб келганларида оилали, бола-чақали эдим. Сиртдан ўқидим, далада ишладим. Яхши-ёмон кунлар ўтди. Доим қишлоқ оқсоқолларига дастурхон ёзиб, дуоларини олиб ерга чигит сочдим. Ҳаром-хариш аралаштирмадим. Беҳуда, майда гапларга қизиқмадим... Вақтим ҳам бўлмади...

Пуштага бир дона чигит қадаб, икки қулоч қилиш, ўстириб ғўза гуллаганини, кўсак тукканини кўриш, пахта пишиб очилганига етишиш ҳар кимнинг орзуи бўлиши мумкин, лекин ихтиёрида эмас. Мана шу ушоққина аёл — юзларида йилнинг тўрт фаслининг изи бор аёл шу кунларда 102 гектар ерда деҳқончилик қилади. Бу майдоннинг ярми пахта, ярми буғдой. Бригадасида олтмишдан зиёд аъзо бор. Улар ҳаммаси бир бўлишиб, бир янгиликка қўл уришди. Аслида Хитой далаларида синалиб, Андижон пахтакорларининг диққатини тортган бу янгилик бугун фақат «Олтинкўл» тумани «Намуна» жамоа хўжалигидаги Сиёсатхон Абдуллаева бригадасида эмас, Фарғона водийсининг кўплаб хўжаликларида синовдан ўтказилмоқда.

— Биз буни чигит экишнинг андижонча усули деб номладик. Чигит пленка остига экилади.

Ўтган йили Сиёсатхон опа бригадасида 1 гектар ерга шу усулда чигит экилди. Бошқа ерлардан 35 сентнер, пленка остига экилган майдондан 54 сентнерга яқин пахта ҳосили кўтарилди. Сиёсатхон опа менга пленка остига экилган ғўзага кам сув, кам меҳнат сарфланиши, унинг тезпишарлиги, ҳосилдан эрта бўшаган майдонга кузги буғдой экишнинг фойдаси ҳақида худди талабага имтиҳон олди тушунтириш қилаётган билимдон домладек сўзладилар. Мен ҳам берилиб эшитгандек бўлдим. Аммо наҳотки, бу аёлнинг фикратида ер, пахтадан бўлак ҳеч нарса бўлмаса, деган ўй кечади хаёлимдан. Бизни деҳқон боқади. Бозорларимиз тўлиб-тошсагина бизнинг овозларимиз жаранглаб чиқади. Жўн айтганда, бўш қоп тик турмайди. Лекин аёл барибир аёл-да! У билан бешикларга осилган туморлар, қулоқларда ялтираган ойбалдоқлар, уйларга баҳор файзини берадиган гиламлар, борингки ўсма-хиналар ҳақида ҳам кўнглинг тўлиб гаплашишинг керак, дейман яна ўзимча.

— Мен кўчани ҳам, уйни ҳам баббаравар гуллатадиган аёлларни кам кўрганман. Барибир минг фидойи бўлсанг ҳам, имконинг чегараларини йиқитиб ўтиб кетолмайсан.

Йўқ, Сиёсатхон опанинг жавобидан қўрқиб кутганим юз бермади. Мен эрнинг ишини қилавериб аёллигини йўқотган аёлга рўпара келишдан қўрқаман. Унинг иши ҳар қанча олқишу таҳсинга сазовор бўлмасин, бизнинг фожиамиздек бўлиб туюлаверади. Рост, мен шижоат, шиддат тарафдориман. Куч-ғайрат, имконларни сўнгги заррасигача сарфлаш тарафдориман. Аммо Тангри ато этган аёллик меҳру муҳаббати, аёллик латофати, назокати, орзу-ҳавасини сарфламай ўзи билан олиб кетса армон эмасми? Ҳеч кимга раво кўрмайман бу қисматни.

— Бештагина фарзандим бор. Ҳаммаси олий маълумотли.

Сиёсатхон опа фарзандларининг исмини, касбини санайди. Қайнонасини, марҳум эрини, уларнинг рўзғордаги мададини эслайди. Тун ярмида хамир қориб, ер ёришмасдан тандир ёққанларини, ой ёруғида тоғора қуриб кир ювганларини, тиккан кўйлакчаларини гапиради.

Пахта тўғрисидаги суҳбатда отдаги чавандоздек, чақмоқдек кўринган аёл муҳаббатдан ийланган бир жонга — она, бекага айланади. Барибир, бу айтишга осон. Ҳар қандай вужуд доим оромга мойил бўлади. Руҳни юксакка олиб чиқиш учун вужудни озорларга бериш, бериб чидаш керак бўлади. Чидаганларга тўзим берсин. Ҳақ чидаганларники.

Мен Сиёсатхон опанинг бригадасидаги аёллар, уларга яратилган иш шароитлари, саломатликлари билан қизиқаман.

— Шийпонда тандиримизгача бор. Иссиқ нонлар ёпиб тушлик қиламиз. Тушликда ўсмалар қўямиз. Пахта ҳосилга кириб, меҳнати енгиллашгач, Ўш, Арслонбоб қилиб баҳаво жойларда бир-икки кун дам олиб келамиз. Дўхтирларимиз тез-тез келиб аҳволимиздан хабар олиб туради.

У қийинчиликларни ҳам яширмади. Ҳамма жойда бор муаммолар уларда ҳам бор экан. Аммо қишлоқлари азалдан обод бўлганлиги, меҳнатнинг кўзини билиб қўли узун яшаганликлари учун бугун ҳам машаққатлардан йўл топиб чиқиб кетишаётган экан.

— Яқинда вилоят бўйича семинар-кенгаш менинг даламда ўтказилди. Пленка остига экилган пахта ҳақида суҳбатлашдик. Далаларимизни кўришди. Ҳозирча бу усул ҳаммага маъқул. Агар бу янгилик ўзини оқласа, кейинги йилларда ҳамма майдонларда шундай экиш қиламиз.

Сиёсатхон Абдуллаеванинг экиш усули янгича бўлса ҳам, иш услуби эскича экан. Улар ҳали ҳам давлат ҳисобидаги жамоа хўжалигида ҳисобда туришар экан. Мен келажакда ерни хусусийлаштириш режалари бор-йўқлиги ҳақида сўрадим.

— Билмадим, кимга қанақаю менга бу ерлар бегона эмас. Ана Басимахон, Маҳбубахонлардан сўранг — фидойи деҳқонлар улар. Пахта илмининг пири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган колхозчи Абдуғани Исҳоқовдан сўранг. Шу ерларни бегона дейишармикан.

—Ҳа, ёшлиги, саломатлигини ҳаржлаган, олов йилларини берган ерини одамзод ўзиники ҳисоблайди. Илоҳим, шу ҳисоблаганимиз рост бўлсин, Сиёсатхон опа. Биз ҳавас, орзу-умидимиз, ғайратимиз билан бобомерос еримизники, ер эса бизники бўлсин, ўртага бегона тушмасин.

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА**

## ЖАННАТ НАФАСЛИ ФАСЛ

(Ҳикоя)

Кўкдан битта-битталаб томчилаган қатралар эзиб ёққан ёмғирга айлангани каби, она қалбида йилт-йилт этган армон бутун борлиғини тўлдира бошлади. Демак, у авваллари — фарзандлари гўдаклигида бу исмсиз фаслнинг ё қадрига етмаган, ё ҳис этмаган. Қоронғи тунда ғойибнинг инояти билан ярақлаб очилган сўқирнинг кўзи бирдан ёрқин чироққа тушгани каби, Мунаввар бир-бирига эгизакдай ўхшаш, пойипиёда кечаётган йиллар, кунлар ичра бехосдан дунёга келмоқ ва кетмоқнинг асл маъносини гўё тушида топгану йўқотгандай эди.

Тўхта, ҳаётда ҳеч нарса беиз кетмайди. Балки, Мунаввар илгари боланинг қадрига етмагандир. Катта қизиниям, ўғлиниям бир ярим ёшга тўлганларидан боғчага топшириб, уй-ишхона-боғча ўртасида зувиллаб юраркан, хаёли фақат навбат кутиб ётган ишларига чирмашиб, кунлари чувалашиб кечаверарди. Ҳозир ҳарчанд эслашга уринмасин, ёдига тушмади: катта қизию ўғлининг илк қадами, дастлабки сўзлари қачон, қандай бошланганди?

Энди эса кичкинтойи қучоғида ухлаб қолса, соат-соатлар ўрнига ётқизмасдан, унга термулиб ўтиргиси келади. Дунёдаги энг гўзал, нафис, хушбўй гул ҳам қизгинанинг бир тола сочидек муаттару мунаввар эмас! Авваллари тонгдан то кун ботгунча дилида битта умид бўларди: болалари кўпроқ ухлашса ёки ҳархаша қилмай узоқроқ ўйнашса-ю, ўзи ишларини тинчитиб ола қолса. Балки, ўшанда Мунавварнинг қалбида бекадр қолиб кетган туйғулар йиллар ўтиши билан янгидан бош кўтарармиди... ёши қирққа яқинлашганда, бутун вужудини кутилмаган ҳиссиёт — чақалоқ соғинчи қамраб олди. Бировга айтсанг — кулади. Ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ҳам ўтирмади. Эҳтимол, бу туйғуни унинг қалбига Аллоҳнинг ўзи солгандир, гўдаккинани берди...

Балким, катта қизию ўғлининг бўйлари чўзилиб, оналарининг қўлидан ишини, дилидан ташвишини енгиллата бошлаганларидан яшамоқнинг асл маъною мақсади, тенгсиз давлату қувончи фарзандлар эканлигини англай бошлаганидан туғилдими, бу илоҳий соғинч... Балки... э-э, нима аҳамияти бор?! Муҳими, мана шу илоҳий фасл унга насиб этди! Она бўлиб шу фаслни кутмай, яшамай, ҳис этмай яшаб ўтмоқ... э-воҳ... Яратганнинг аёл жисму руҳига омухта қилган беназир муруввати, мўъжизасини гуноҳларга талош этмоқ бўлмасмиди?

Бирдан бувисининг гапи ёдига тушди: «Болага ортиқ меҳр қўйманг. Аллоҳнинг қаҳри келади».

...Мунаввар эгилиб ингичка қошларини, майин сочларини ўпиб ухлаб ётган қизчасини беозор ўпти: «Ўзинг берган неъматинггаки қалбимизда шунчалар меҳр-муҳаббат уйғотдинг, ё Парвардигори олам, сенинг муҳаббатингга тараф йўқ. Мана шу саодатдан аёл зотини бебаҳра этма. Бебаҳра этмаганинг учун шукр, беадад шукр. Бу мунаввар неъматингни ўзинг бердинг. Ўзинг паноҳингда асра, ноумид этмагин, эгам».

Мунавварнинг дилидаги уммон кўзларига нурли халқалар бўлиб тўла бошлади.

**Муҳтарама УЛУҒ МУҲАММАДХОН қизи**

## АМИР ТЕМУРНИНГ АҲЛИ АЁЛИ

1378 йил. Темур гўзал Туман оқога уйланади. Амир Туман оқодан қиз кўради. Бир-икки йилдан сўнг амир мўғул хонларининг бири Ҳизр Хўжанинг қизи Тавкал хонимга уйланади. Бу малика зоти улуғлиги туфайли юқори мавқега эга бўлиб, Сароймулкхонимдан кейин турувчи «Кичик хоним» даражасига эга бўлади. Одатда ҳар бир малика учун Самарқанд атрофида жаннатмонанд боғлар яратилган. Тавкал хоним учун амир Дилкушо боғини барпо қилдирган.

Соҳибқирон рафиқалари ҳақида манбаларда маълумотлар жуда оз. Асосий маликалардан ташқари амирнинг ихтиёрида кўплаб канизаклар ҳам бўлган. Темурнинг кичик ўғли Шоҳруҳ улардан бирининг ўғли эди.

Кастилия элчиси Клавихоннинг ёзишича, 1404 йили Амир Темур никоҳидаги маликалар саккизта бўлган. Чўлпон Мулк оқо тўлган ой ва оқшом пайтидаги қуёшдек гўзал эди. У Амирнинг тўқсонинчи йилларидаги ҳамма юришларида бирга бўлган. Амирнинг ўғил фарзандлари дунёга келгач, оналаридан ажратилиб, тарбия учун катта маликаларга топширилган. Чунки ўғиллар амир авлоди ва давлат бошқаришни давом эттирувчилар сифатида алоҳида эътиборда бўлганлар. Болалар ёш вақтдаёқ катта ҳурматга сазовор бўлган одамлар уларга тарбиячи (отабек) сифатида тайинланган.

Кўчманчи халқлар, ҳарбий юришларда сарой аҳллари, элчилар, олимлар, шифокорлар, дин арбоблари ва ҳамма оила аъзолари, подалари, уй ҳайвонларини ўзлари билан олиб юрганлар. Жанглар тўхтаган пайтларда уруш майдони орқасида жойлашган оила ўтовларига қайтиб, одатдаги шароитда кун кечирганлар. (Шундай шароитларда аёллар фарзанд ҳам кўрганлар) Бу ҳақда Клавихо маълумот беради: «Уруш вақтларида ҳеч ким ҳеч қачон хотинлари, болалари, мол, қўй, туя, отларисиз йўлга чиқмайди. Урушда ҳаммаси бирга бир жойдан иккинчи жойга ўтиб борадилар. Чақалоқлари бор аёллар уларни бешик билан олиб юрадилар, каттароғини эгарнинг олдига ўтқазадилар. Баъзи аёллар жангларда ҳам иштирок этадилар». Аёллар базму машваратларда ҳам эркаклар билан бир қаторда иштирок этганлар. Бу маълумотлар гарчи, унчалик батафсил бўлмаса ҳам Темурий маликалар ҳақидаги билимларимизни бир қадар тўлдиради, дея умид қиламиз.

**Фозила СУЛАЙМОНОВА**

*Тарбия соатлари*

## ТАНБУРНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Талабалик пайтимизда назарий билимларимизни мустаҳкамлаш учун кўпроқ мактабларда дарс ўтар эдик. Шундай дарслардан бирида юқори синф ўқувчиларидан биттаси: «Танбур нима ўзи?» деб сўраб қолди. Ғалати бўлиб кетдим. Аммо ўқитувчи ўқувчига ҳеч қачон ўз кайфиятига суяниб, муомала қилолмайди. Қоидаси шу. Танбурни унга ўзимча шарҳладим. Болалигимда бувимлар:

***Узун терак йиқилди,***
***Учи менинг қўлимда.***
***Зағизғони сайрайди,***
***Сочи менинг қўлимда.***

деб топишмоқ айтардилар. Бу танбур эди. Боланинг кўз ўнгида шакл-шамойили гавдалансин деб, ўша топишмоқларгача айтдим. Бу кечаги гап.

Бугун замон илгарилаб кетди: минг хил техника — тугмасини боссанг, юз минг хил овоз беради. Ҳаммаси яхши. Ҳаммасининг шахс камолотида ўз ўрни бор. Аммо миллий мусиқа асбобларимиз... Билмадим, мен уларни ҳеч нарсага алмаштиргим келмайди, қиёслагим, чоғиштиргим келмайди.

Бизда қадим-қадимдан чолғу асбобларига ҳурмат билан қаралган. Мусиқадан хабардор бўлиш маданият белгиси ҳисобланган. Дутор, танбур каби чолғу асбоблари йўқ хонадон сийрак топилган. Уй соҳиблари бу асбобларни эъзозлаб боши устига, деворга қоқилган гимламларга осиб қўйганлар. Узун қиш кечаларида оила аъзолари жам бўлиб ўтиришганда катталар дутор, танбур, чалишган. Кичиклар тинглашган. Фақат юракларгина озиқ оладиган бундай тарбия воситасининг қимматини қай тарозида тортасиз?

Инсон мусиқа асбобларини чалаётганда ҳам, эшитаётганда ҳам оламни қалби билан кўради, севиб, соғиниб кўради. Инсон қалбида кечган бу жараён унинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Мусиқадаги ҳолат орзули бир ҳолат. Инсон анчагача бу ҳолат таъсирида юради. Дунёни шу таъсир орқали идрок этади. Айниқса, бу ҳолат болаларда жуда табиий, нозик, гўзал бўлади. Шунинг учун қизчангиз ёки ўғилчангиз чолғу асбобларига астойдил қизиқса: «Уруғимиздан артист чиқмаган», ё «Ҳамма ҳам созанда бўлавермайди» тарзидаги гаплар билан рад қилишга шошилмаслик керак. Бироз қўйиб бериш зарур. Имкон бўлса, қизиқаётган чолғу асбобини олиб ҳам бериш керак. Яқин атрофдаги тўгаракларга қатнашга ҳам монелик қилмаслик керак. Майли, эҳтимол фарзандингизда ноёб бир қобилият йўқдир. Аммо унинг мусиқа чалган пайтдаги ҳолати — сизнинг ютуғингиз. Шу ҳолатни қанча кўп ушлаб қола олсангиз, билинг-ки, фарзандингиз яхши инсон бўлади.

Нақл қилишларича, мағлубият нималигини билмаган шоҳ қартайиб, навбатдаги жангларнинг бирида енгилибди. Бу шоҳни қаттиқ ҳасратга солибди. На панду насиҳат, на мадҳу санолар таъсир қилибди. Масхарабозлар, қизиқчилар ҳам шоҳнинг алам ғижимларини ёзишолмабди. Охири эл донишмандлари маслаҳат қилишиб бир найчи чўпонни олиб келиб, най чалдирибдилар.

Воажаб, шоҳ ўзгарибди: ҳаётга қайтадан муҳаббатли бўлибди. Най навосини эшитган сайин ўзини кучли ҳис этибди. Мағлубияти арзимаган тасодиф бўлиб туюлибди. Шу-шу шоҳ: «Бирор мусиқа асбобини чалишни билганлар оғир жазоларга буюрилмайди», деган фармон чиқарибди.

Ҳар қандай гап-сўзда ҳақиқат парчалари бўлади. Бу нақлнинг ҳақиқатига ҳам қулоқ тутайлик.

Токи бундан минг-миллион йиллар ўтганда ҳам фарзандларимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан «Танбур нима?» деб сўрамасин.

**Ф. ХАЛИЛОВ,**
**Низомий номидаги педагогика олийгоҳи ўқитувчиси**

## МЕН ЎШАМАН

***Сочларингиз толалари тўзғиса агар***
***Шамол дея ўйласангиз, у менинг қўлим.***
***Сиз ҳар куни, бегим, оёқ қўйган кўчалар,***
***Изингизни излаб-излаб мен солган йўлим.***

***Тунда сизнинг дарсхонангиз ёритган чироқ***
***Бегим, менинг юрагимдан тушаётган чўғ.***
***Мен ўшаман, сиз тўлғониб ётганда уйғоқ,***
***Уйқу бўлиб минг бор сизни аллалаган руҳ.***

***Мен ўшаман — қоғоз узра югурган қалам,***
***Бармоғингиз орасида сузган ҳар варақ,***
***Мен ўшаман — қалбингизга кирган дард-алам.***
***Кулги бўлиб лабингизга қўнарман гоҳ-гоҳ.***

***Гул эмас, йўқ, сиз қўлингиз узатган у гул,***
***Мен бўламан гулзор ичра сизни кузатган.***
***Мен юлдузман, кўк юзидан термулиб мафтун,***
***Васлингизни кўрмоқликка зор бўлиб ўтган.***

***Шундай, бегим, йўлингизда неки келса дуч,***
***Мен ўшанинг вужудида яшайман пинҳон.***
***Йўқотдим деб ўйламангиз, йўқолмасман ҳеч,***
***Ўртаб ўтгум, то ҳаётда тирик экан жон.***

**Гули НИГОР**

## ЯХШИ ЙИГИТ ХОТИНИНИ ҚАРИТМАС

Оилавий бахтнинг биринчи омили ўзига умрдош танлашда янглишмасликдир. Бу борада биз руҳиётшунослар шундай таслаҳатлар берган бўлур эдик:

Жуда эрта оила қуриш, айниқса эркак киши учун мақсадга мувофиқ эмас, чунки 17-18 ёшли қиз бола ойла қуришга тайёр бўлиши мумкин, аммо бу ёшдаги куёв на иқтисодий, на психологик (ота, эр, тарбиячи сифатида), на маънавий жиҳатдан шаклланиб етилган бўлади.

— «Қиз берсанг бир поғона юқорига бер, қиз олсанг бир поғона пастдан ол!» — деган нақлга қулоқ солмоқ, унинг мағзини чақмоқ лозим, чунки бу тажриба келиннинг янги оилага мослашиб кетиши билан боғлиқдир.

— Келин-куёвнинг маълумот савияси баробар бўлса айни муддао. Куёвнинг маълумот савияси, жамиятда тутган ўрни юқорироқ бўлиши ҳам мумкин.

Келин-куёв эҳтирос (темпераменти) жиҳатидан турлича, ҳаётда тутган ўрни, қадр-қиймати жиҳатидан яқин, мос бўлишлари керак.

— Оила қуришда ота-онанинг розилиги муҳимдир, чунки ёш оилада юзага келадиган жанжалли муаммоларни ечишда никоҳга рози бўлмаган ота ёки она оилани сақлашга эмас, балки бузилиб кетишига хизмат қилишлари мумкин.

— Никоҳгача ёшлар бир-бирини яхши ўрганган, оила масъулиятини тушуниб етган бўлиши керак. Шунда ҳар қандай оилавий низоларни уларнинг ўзи мустақил (ўзгаларни аралаштирмасдан) ҳал қилишга ҳаракат қилишади.

— Бўлғуси қуда-андалар бир-бирларининг шахсий сифатларини ҳам ўрганган бўлишлари зарур. Чунки қуда-андаларнинг ўзаро муносабатлари ёш оиланинг келажагига таъсир кўрсатмай қолмайди.

— Ота ҳурмат-иззат қилинмайдиган оиладан қиз олишда у ҳолатнинг сабаблари албатта ўрганилиши лозим. Бундай оилада камолга етган қиз кейинчалик оила кўргандан сўнг эрига нисбатан ҳам шундай тасаввур асосида муомала-муносабат қилиши мумкин.

**Ғайрат ШОУМАРОВ,**
**руҳиятшунос**

*Кўнгилга ташриф*

## ЗУЛАЙҲО — ГЎЗАЛЛИК ДЕМАК...

Зулайҳо Бойхонова. Бу ўша — ўзингизнинг Зулайҳо, Эндигина ўттизга тўлди. Ўттизида минглаб кўнгилларни забт этди. Унинг элчилари — овози. Унинг сеҳри — истеъдоди.

Мен ҳам сизнинг каби ошиқман. Муҳташам саҳнада «Юсуф ва Зулайҳо»даги Зулайҳо бўлиб Фарёдномани куйлагандаёқ дилимни берганман шу қизга. Шу-шу изидан излаб топдим.

Зулайҳо, мана ҳозиргина бир дунё ҳаяжонлар билан саҳнадан чиқдингиз. Мухлисларингиз олқишлари, қучоқ-қучоқ гуллар... хуллас, галдаги муваффақиятдан ўзингиз ҳам енгил тортиб оилангиз, фарзандларингиз томон шошилаяпсиз. Икки оғиз суҳбатлашсак, деган умидда эдим.

- Кўпдан шундай беғараз суҳбатни истаб юрардим. Маъзур тутасизу, гарчи суҳбат «қоидасини» бузсам-да, биринчи саволни сизга мен берсам.

— Бажонидил...

— Бугун «Муқимий»га тасодифан ташриф буюрдингизми ёки атайлаб...

— Нима демоқчи бўлганингизни уқдим. Жавобимни шунчаки кўнгил учун деб ўйламангу, чиндан «Нодирабегим»ни кўриш иштиёқида атайлаб тушдим.

— Нодирабегим ҳақида фикрингизни билишни истардим...

— Нодирабегим ўз ҳаётида ашула айтмаган бўлсалар керак, ҳар ҳолда малика... Аммо биров Нодирабегим исмларини тилга олса, энди уни қўшиқдан ташқари тасаввур этолмасам керак... Нодирабегим саҳна юзини кўргунга қадар бўлган тафсилотларни сиздан эшитсак...

— Нодирабегимни 29 ёшимда ўйнадим. Шу ролимни қанча ўйнасам, шунча руҳан тетиклашаман. Севиб ижро этиш бошқачада. Қолаверса, маликаи даврон образининг муваффақиятли чиқишида Баҳодир ака Йўлдошевнинг хизматлари катта. — Зулайҳо, бу сенинг ўлмайдиган ролинг, — дейдилар доим. Баҳодир акадан бундай баҳони эшитишнинг ўзи катта гап. Актёрни актёр қиладиган режиссёр. Баҳодир аканинг ажойиб хусусиятлари жуда кўп. Шулардан бири — актёрнинг ўзи сезмаган қирраларини қобилият даражасида саҳнага олиб чиқадилар. Оқибат ютуқ, олқишлар актёрга айтиладию меҳнатнинг ҳақиқий фидойисини томошабин кўпда сезавермайди. Нодирабегим шундай заҳматлар эвазига юзага келган.

**Матлуба ҲАМРОЗ**

*Бир-бирингизга либосдирсиз*

## ЖАННАТ ҚАЕРДА?

### ИСЛОМ ДИНИДА АЁЛЛАРГА НАЗАР

Қуръони Каримда эркак ва аёлнинг табиати ва уларнинг вазифалари турлича эканлиги шундай баён этилган:

«Эркак ва аёлни яратган Зотга қасамки, шак-шубҳасиз сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз хилма-хилдир.

Аёлларнинг ҳам худди эркаклар сингари бурчлари ва ҳуқуқлари бор:

«Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларида эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор (2-сура, 228- оят) таржимаси. Бироқ Қуръони Каримнинг таълим беришича, Аллоҳ таолло эркаклар зиммасига алоҳида ҳуқуқлар ҳам берганки, бу ҳуқуқлар аёлларда йўқ: «Ва эркаклар учун аёллар устида бир даража имтиёз бор. Бу фикр «Нисо» сурасида янада аниқроқ баён этилади:

«Эркаклар хотинлари устидан раҳбардурлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни эркакларни аёллардан ) ортиқ қилгани ва эркаклар хотинлари ва оилалари учун ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодатли, итоатли ва эрлари йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу-ҳимояти билан эрларнинг мол-мулкларини ва ўз иффатларини сақловчии хотинлар яхши хотинлардир». (4-сура, 34-оят) Ислом динида оиланинг барча харажатларини қоплаш эркакнинг зиммасига юклатилган. Аёл киши ишлаб пул топган тақдирда ҳам, уни оиланинг ташвишларига ишлатиши мажбурий эмас, ўзи рози бўлиб берса ҳалол, бермаса ҳам ўзининнг иши. Эркак киши эса барча оила аъзоларини кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа керакли нарсалар билан таъминлаш лозим, шу сабабдан турли баҳсталаб масалалар чиқиб қолганда, эркакнинг сўзи ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бироқ бу ҳолат эркакка ўзини уйда яккаҳоким деб, айтганим айтган, деганим деган сифатида тутишга ҳуқуқ бермайди. Жаноби Пайғамбаримиз аёлларни нозик бир шишага қиёс қилиб, унга жуда эҳтиёт бўлиб ёндошиш кераклигини кўп марта уқтирганлар. Бундан ташқари, ул Зотнинг бир ҳадисларида «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», дейилади. Шундан кейин ҳам Ислом динида аёлларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилган дейиш мумкинми?

**Ҳидоятуллоҳ ҲЮБШ**





